

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №130

Тошкент шаҳар

«06» июнь 2022

Кейинги уринларда "Пудратчи" деб юритилувчи «EURO GLOBAL ASPHALT» Масъулияти Чекланган Жамияти номидан Устав асосида иш юритувчи Директор З.А.Садуллаев бир томондан, иккинчи томондан «Мирабод тумани Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошқарма бошлиғи Г.У.Джонходжаев кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи ва биргаликда «Томонлар» деб юритилувчи, мазкур пудрат шартномасини қуйидаги ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда «**ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ САРИКУЛ МАХАЛЛАСИДА ЖОЙЛАШГАН ИЧКИ КУЧАЛАРНИ ЖОРИИ ТАЪМИРЛАШ**» (ЛОТ №91 538) (кейинги ўринларда объект деб юритилади) асфальт ётқизиш қурилиш монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ҳамда ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **769 267 998, 00 (етти юз олтмиш туккиз миллион икки юз олтмиш етти минг туккиз юз туксон саккиз) сўмни** шу жумладан ККС **100 339 304,09 (юз миллион уч юз уттиз туккиз минг уч юз тurt сум 09 тийин)** ташкил этади.
- 2.2. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб Пудратчи томонидан 1 (бир) ой ичида лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ объектда **769 267 998, 00 (етти юз олтмиш туккиз миллион икки юз олтмиш етти минг туккиз юз туксон саккиз) сўм** миқдорида қурилиш-монтаж ишларини бажаради.
- 2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
 - ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда йўл қўйилади.
- 2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;
 - объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;
 - зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси ва ишлатилган машина - механизмлар нарҳига ваколатли идора (ташкilot, орган) нинг экспертиза хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;
 - барча итларни мазкур шартноманинг 2.2-бандида белгиланган муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган қолда сифатли бажаради ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади,
 - объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;
 - қурилиш майдоини қўриқланишини таъминлаш;
 - қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. Пудратчи объект фойдаланишга тонширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг гасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Иудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
-ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
-мазкур шартноманинг 6.1-бандига мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини такдим этиш;
-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

- 5.1. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб **1(бир) ой** муддат ичида амалга оширилади.
5.3. Қурилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни бажариш жадвали келишиб олинади ва у томонлар тарафидан имзоланиб, корхона муҳри билан тасдиқланади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

- 6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30%** миқдориди, аванс ўтказади, бу **230 780 399,4 (икки юз уттиз миллион етти юз саксон минг уч юз туксон туккиз) сўм 40 тийинни** ташкил этади.
6.2. Бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, объект буюртмачи томонидан қабул қилинганидан сўнг бир йўла объектнинг умумий шартномавий қийматининг **65%** миқдоридаги маблағлар молиялаштрилади.
6.3. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси булгандан кейин ишлар қийматининг **5%** гача миқдориди маблағ молиялаштриб берилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

- 7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник аудиторини тайинлайди у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
7.3. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
7.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
7.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.
7.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг туғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги туғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
7.10. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни киритади ва Буюртмачи ҳужжатларга асосан молиялаштрилади.
7.11. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради агар у геодезия нукталари ҳужжатларда мавжуд бўлса.
7.12. Пудратчи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи

буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник шартларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

- 7.13. Алохида беркитилган конструкцияларни ва беркитилган ишлар тайер бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади ва назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
- 7.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далалотномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар тасдиқлашуви далалотномалари билан тасдиқланади.
- 7.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
- 7.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- 7.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботланса жавобгар ҳисобланмайди.
- 7.18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
- 7.19. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
- 7.20. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
- 7.21. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

- 8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбир этилишини ифода қилади ва кафолатлайди.
- 8.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директори, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

- 9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- 9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда муттаносиб равишда узайтирилади.
- 9.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.
- 9.4. Агар томонлар икки ой ичида келишаолмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Х. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

- 10.1. Буюртмачи:
-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
-ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
-пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
-пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 10.2. Пудратчи:
-ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
-буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 10.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
- 10.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­но­ма юборади.
- 10.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
- 10.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХІ. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 11.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:
-иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
- 11.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4% фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.
Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 11.3. Пудратчи объектнинг уз вақтида ишга тушуриш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдоридан пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.
- 11.4. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.
Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.
- 11.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи миқдоридан ундириш ҳуқуқига эга.
- 11.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

ХІІ. КАФОЛАТЛАР

- 12.1. Пудратчи:
-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
-лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;
-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи

буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
-шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала килинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;
-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

- 12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб **12 ой** этиб белгиланади.
- 12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.
- 12.4. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
- 12.5. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХІІІ. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек стқазилган қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий зарарларни этолмаса улар қонун суд томонидан кўриб чиқилади.

ХІV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

- 14.1. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.
- 14.2. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
- 14.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
- 14.4. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
- 14.5. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 14.6. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
- 14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.
- 14.8. Шартнома амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрь** кунигача амал қилади.
- 14.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

ХV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ЗАКАЗЧИК:

«Мирабод тумани Ободонлаштириш бошқармаси»

Адрес: Тошкент шаҳри, Мирабод тумани, Меҳржон кучаси, 39 уй.

Х/р: 4017 2286 0262 7370 6520 0110 003

ИНН: 201 992 249

Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси ХККМ

Молия вазирлиги ғазначилиги

Х/г: 2340 2000 3001 0000 1010

ОКЕД: 81 300 МФО: 00.014

Директор  Г.У. Джонходжаев

ПОДРЯДЧИК:

ООО «EURO GLOBAL ASPHALT»

Адрес: Ташкентская обл, Юкоричирчикский район, п.Барданкуль, м-ла Болта.

р/с : 2020 8000 0005 7052 3001;

АКИБ ГОУ «ИПОТЕКА БАНК» г.Ташкент

МФО: 00 937

ИНН: 303 742 349

ОКПО 25982978, ОКЭД: 42 110

Тел: (71) 289-71-55, (71) 289-71-50

e-mail: euro.global.asphalt@gmail.com

Генеральный директор  З.А. Садуллаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
TOSHKENT SHAHRI ADLIYA BOSHQARMASI
MIROBOD TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100072, Mirobod tumani, A.Fitrat ko'chasi, 40a-uy,
tel.: (998 71) 299-87-95, el.pochta: mirobod.t-yurmarkaz@adliya.uz

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyihaning turi:**Shartnoma.

2. **Loyihaning nomi: №130**

Mirobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi va "EURO GLOBAL ASPHALT" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida pudrat shartnomasini tuzish to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:**

Mirobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 9-iyun kuni Mirobod tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga kiritilgan.

4. Mazkur xulosa moliyaviy xulosadan mustasno.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi O'RQ-684-son Qonuni hamda boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



J.Asadullayev.